



Ислом Нури

Муаллиф: Айман Асъад Абдух

Ислом Нури веб саҳифаси таҳрири остида нашр қилинди

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□ □□□□□□

Аллоҳга ҳамду санолар, анбиёлар хотамига салоту саломлар бўлсин!

Soddagina, isrof va g'ayridinlarning munkar urf-odatlaridan xoliligi bilan ajralib turadigan islomiy nikoh marosimi tugagach, kelin-kuyov o'zlariga ajratilgan uyga kirib ketishadi. Kuyov qo'li kelinining keliniga boshlanib, kuyidagi ma'sur duoni o'qidi:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□ □□ □□□□□□□□□□

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□.

«Ey Ollohim, men Sendan uning va unga (tugma) tabiyat kilib bergan narsangning yaxshi ishlashini so'rayman. Uning va unga (to'g'ma) tabiat kilib bergan narsaningning yomonligidan panoh berishini so'rayman ».

Кейин таҳорат қилиб, келин билан бирга икки ракъат намоз ўқийди ва ҳаётлари давомида мана шу янги оилаларини ҳар-хил ёмонликлардан асрашини ҳамда бирга аҳил-иноқ умр кечиришни сўраб Аллоҳ таолога дуо қиладилар. Янги оилаларининг мусаффо ҳавоси кирланмаслиги ва ширин турмушларининг бардавом бўлиши учун улар қуйидаги асосларга амал қилишга келишиб оладилар:

1. Ниятни холис қилиш



Ислом Нури

Ният ҳар бир ишнинг асоси ҳисобланади. Амалларнинг бир-биридан афзал бўлишидаги асосий омил ҳам ниятдир. Агар ният холис бўлса, одатий амаллар ҳам ибодат даражасига кўтарилади. Аллоҳ таоло бандаларини – ниятлари холис бўлса – кундалик амалларини ҳам улкан ажрлар билан мукофотлайди. Шунинг учун келин-куёв турмуш қуришдан нима мақсад эканини англаб олишлари лозим. Муслмон ва муслиманинг турмуш қуришдан мақсади жоҳил кимсаларнинг мақсадларидан фарқ қилиб, фақат жинсий ғаризани қондиришдан олийроқ туриши керак.

Исломий оилани вужудга келишига қуйидагилар сабаб бўлади:

а) Пайғамбар алайҳис-салом ёшларни уйланишга буюрдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Ey yigitlar jamoasi, qay biringiz uylanishga qodir bo'lsin, uylansin! Chunki (uyishish) avratni haromdan (zinodan), ko'zni nomahramga tikishdan saqladi ...».

б) Авратни, кўзни ҳамда иффатни ҳаромдан сақлаш ниятида қурилган оила Аллоҳ ваъда қилган ёрдами ва тавфиқига нойил бўлур.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Uch tifaga odamga yordam beraman Olloh taolo zimmasidagi haqiqat: (ular) Olloh yulidagi mujohid, o'zini ozod qilish uchun hojasi bilan kelishgan kul va (zindon) saqlanadigan maqsadida uylangan yigit».

в) Аллоҳ таоло манҳажига мувофиқ оила қуриб Аллоҳ таолодан ажр



Ислом Нури

умид қилиш.

г) Ёлғиз Аллоҳга ибодат қиладиган ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Қиёмат куни бошқа пайғамбарлар олдида кўплиги билан фахрланадиган Ислом уммати сафини кенгайтирадиган солиҳ фарзандларни кўпайтириш.

д) Уларни исломий руҳда тарбиялаш.

Шояд, Аллоҳ таоло улар орасидан дин ғамини ейдиган, мусулмонларни нусрат ва ғалаба сари етаклайдиган йўлбошчиларни чиқарса! Эҳтимол улар етук олимлар, паҳлавон мужоҳидлар сафига қўшилар!

е) Аёли ва фарзандларига сарфлайдиган нафақалари эвазига Аллоҳдан ажр умид қилиш.

Rasululloh solallohu alayhi va salam dedilar: **«Kim Ollohdan ajr umidida ahli oilasiga nafaqa qilsa, bu nafaqasi uning uchun sadaqa urniga o'tdi».**

Агар эр-хотин мана шу мақсадларни астойдил кўнглига тугса, ҳаётлари ибодатга айланиб, ҳар-бир олган нафаслари учун ажрга эга бўладилар.

2. Аллоҳ таоло тоат-ибодатида ҳамкорлик

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар:

«Kechasi turib, namoz o'qigan, oyolini ham namoz o'qishga uyg'otgan, turaversa, yurishga suv sepgan kishining Ollox qalim



Ислом Нури

qilsin. Kechasi turib, namoz o'qigan, erini ham namoz o'qish uchun uyg'otgan, agar turmasa, yuziga suv sepgan ayolni (ham) Ollox ishonchim etsin! ».

Агар эр-хотин ўртасида бир-бирини ибодатга ундаш сифати бўлмаса, лоақал бу йўлдан бир-бирларини тўсмасинлар. Қанча аёллар эрларининг ибодат, илм олиш, жиҳод ёки даъват ишларига тўғаноқ бўлиб, эри зиммасидаги ўзининг айрим ҳақ-ҳуқуқларини унинг ибодати, жиҳод қилиши йўлида қурбон қила олмайдилар.

«Ey mo'minlar, na mol-dunyolaringiz va na bola-chaqalaringiz sizlarni Ollohning Tavsifidan (ya'ni, Ollohga ibodat qilgandan) yuz o'girtirib kuymasin! Kimki shunday qilsa, bas, ana eshalar ziyn ko'ruvchi kimsalardir ».

Аёлларимизга ҳар соҳада Пайғамбаримиз жуфти ҳалоллари-Оналаримиз ва саҳобий аёллар муносиб намуна бўла оладилар. Улар эрларини кўчага кузата туриб бундай дер эдилар:

«Эй фалончи, биз ҳаққимизда Аллоҳдан қўрқинг! Биз очликка чидашимиз мумкин, лекин ҳаромни кўтара олмаймиз».

3. Аллоҳ шариатига мувофиқ исломий оила қуриш

Улар барча амалларини Аллоҳ Китобига қараб бажарадилар. Бирор масала хусусида Аллоҳ ва Расулининг ҳукмини билсалар, ҳавои нафслари ва урф-одатлари билан унга қарши чиқмайдилар. Ўзларининг соф ақидалари билан олий бўлиб тураверадилар. Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига зид бўлган ҳар қандай аҳли ботил қаршисида виқор ва



Ислом Нури

салобат билан тура оладилар. Улар бошқа мусулмонларга ҳам исломий оила масаласида намуна бўлишга интиладилар. Бундай оиладан Қуръони Карим ва Расул Акрам соллаллоху алайҳи ва саллам суннатларининг нафаси уфуриб туради. Бу оила нақадар баракотли!

4. Аллоҳ таоло ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буйруқларига бўйсуниб, оилаларини меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат асосига қурадилар

Оила аҳд-паймони жуда нозик бўлиб, Аллоҳ таоло аҳдга вафо қилганларга чиройли оқибат, аҳдни бузганларга эса жазо тайёрлаб қўйгандир. Эр-хотин ўртасида нафрат, адоват, ҳасад каби қабих иллатларнинг бўлиши исломий тасаввурга мутлақо ётдир.

«Ахир бир-бирингиз билан қўшилиб, улар (яъни, хотинларингиз)сизлардан (яхшилик билан ҳаёт кечирish ёки чиройли сурадa ажрашиб кетиш ҳақида)қатъий аҳд-паймон олганларидан сўнг қандай қилиб уни (яъни, маҳрни)қайтариб оласиз?!».(Нисо: 21)

Sayyid Kutb tahlimahulloh ko'rayotgan oyat xususida aytdi: «Oyati-karimagidagi ifzo-kuchish kalimasi er-xotinning bir-biriga jiddiy jixatdan kuchaytirishni anglatmaydilar, shu bilan birga uy-joy, mehnat qilish, hamdardlik, tasavvurchilarning bir-biringiz bilan bog'liqligini bilasizmi? bugan boshdan beri ulnab ko'rinishlarini o'zlarida muassassam etadi. Muxabbat shartnomasi etishi, bir-birining boshlig'ini engil qilish, xushmuomalalik, og'ir-kun kunlarda bir-biriga dala bylishi va harakati ayoliga teginishi ham oyatda Izohni olib borish bo'yicha suziga kirdi ... ».

Шунингдек, Қуръони Карим ва саҳиҳ суннат эрларни – ҳатто



Ислом Нури

аёлларини яхши кўрмасалар ҳам – улар билан хушмуомалада бўлишга буюради ва бу Ислом динининг аёлларга нисбатан улкан ҳурмат-эҳтиромидир. Ҳамиша биз учун пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал намунадирлар. У зот шундай марҳамат қиладилар:

«Сизларнинг яхшиларингиз ўз оиласига яхши муомала қиладиганларингиздир. Мен эса сизларнинг орангиздаги ўз оиласига энг яхши муомала қилувчи кишиман».

«Мо’minlarning to’liq mukammal usullarini o’rganing, chiroyli xulqlanuvchilar. Sizlarning eng yaxshi ishbilarmonligingiz ayollarga chiroyli xulq bilan muomala kiladiganingiz ».

5. Муҳаббат мункардан кўз юмишга олиб бормаслиги керак

Эр-хотин ўртасидаги меҳр-муҳаббат уларни бир-бирларини мункар ишларни тўғирлашдан тўсмаслиги лозим. Ҳаром ишни қилаётган кишига — унинг ким бўлишидан қатъий назар — хушомад қилиш ва унинг шариятга беэътибор бўлишига жим қараб туриш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларига зиддир.

Payg’ambar solallohu alayhi va salamga ayollari ichidagi eng suyuqliki Oysha roziyallohu anxlar edilar. Oysha roziyallohu anhani «Ey Oish», «Ey Xumayro», deb aytilgan ismlarini qisqartirib, erkalashni chaqirishadi. Oisha onamiz hayz ko’rgan vaziyatlarda bir idishdan suv ichsalar, Payg’ambar solalllohu alayhi va salom ham shu narsaning oyinidan Oisha onamiz lablarini kuygan joyga lablarini kuyib ichardilar. Ro’zador holatlarida ham ayollarni o’pardilar. Biroq, Alloxom harom qilingan narsalarga rioya kilinmagan erda Nabiy sollallohu alayhi va salom



Ислом Нури

g'azablini hech narsa tusib kololmasdi.

Оиша розияллоху анҳудан: **«Мен сурати бор матодан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга кўрпача тикдим. У киши уйга келгач, эшик олдида туриб қолдилар ва юзлари ўзгарди. Мен:**

- Нима гап, Ё Расулаллоҳ!»- деб сўрадим.

Шунда Пайгамбар соллаллоху алайҳи ва саллам:

- Мана бу кўрпача қаердан келди?,- дедилар.

- Бунни сиз ёнбошларсиз деб қилгандим»,- дедим мен.

- Axir, rasm bor uyga farishtalar kirmasligini bilmaysizmi?! - dedilar Nabi solallohu alayhi va sallam ».

6. Бир-бирини риоя қилиш

Эр-хотин бир-бирига Абу Дардо ва Умму Дардо каби муносабатда бўлиши керак. Агар Абу Дардо ғазабланса, Умму Дардо сукут сақлаб, эрининг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Умму Дардо бирор нарсадан аччиқланса, Абу Дардо сукут сақлар ва аёлини тинчлантириб, уни рози қилиш йўллари қидирарди. Улар турмуш қурган илк кунларидан бошлаб мана шу йўлни ўзларига дастурул-амал қилиб олишган эди. Ҳақиқатан ҳам бу оқилона йўл эди.

Оилада келишмовчилик чиққанида ғазаб отларини тизгинлай олмайдиган қанча кишиларнинг оиласи бузилиб кетди.

7. Инсон хатодан холи эмас



Ислом Нури

Инсон фаришта эмас. Ҳаёт хато-камчиликсиз бўлмайди. Оилада эр-хотин бир-бирини кечириб яшаши лозим. Йўл қўйилган арзимас камчилик сабабли бир-бирларининг улкан яхшиликларини унутмасинлар. Албатта бу ерда дунёвий масалалар кўзда тутиляпти. Ҳар иккала томон нафсониятга тегмайдиган юмшоқроқ йўлларни қидирсин. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эркак кишини сафардан қайтганда уйига ярим тунда киришдан, аёлининг камчиликларини қидиришдан қайтардилар. Чунки, эр аёлининг хунук ҳолати устидан чиқиб қолиб, ундан кўнгли совиши мумкин. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзига хос услубларидан эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларининг уйида навбат билан тунар эдилар. Бир куни Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужраларида асҳоблари билан ўтирардилар. Умму Салама онамиз бир сопол товоқда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва уларнинг меҳмонларига овқат олиб келдилар. Оиша розияллоҳу анҳо бир матога ўраниб олган ҳолда ва қўлида тош билан келдилар ва Умму Салама келтирган товоқни қўлидаги тош билан уриб, иккига бўлиб юборди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам товоқнинг синган бўлақларини жамларканлар, дедилар:

«*Yeveringlar, everinglar, onangiz rashk qildi*».

Нақадар донишманд муаллим! Оиша онамизнинг шундай катта хатосига сабр қилдилар ва ноқулай ҳолатни кечириш, ҳалимлик ва узр излаш билан муолажа қилдилар.

8. Оиладаги гапни кўчага чиқармаслик



Ислом Нури

Оилада бўладиган камчилик, келишмовчилик ва ҳар хил муаммолар эр-хотин ўртасида қолиши, ота-она, қариндош-уруғ ва кўни-кўшнилар қулоғига етиб бормаслиги лозим. Агар ўртадаги келишмовчилик кучайиб, низо бирга яшаб кетишларига кўзлари етмайдиган даражада кескин тус олса, ҳар бирлари ўз қариндошлари ичидан динда мустаҳкам ва фаҳм-фаросатли кишиларни муаммони хал қилишда ҳакам қилишлари мумкин.

9. Мақсадларни очик баён қилиш

Келин-куёв яқин кунларда ёки келажакда қилмоқчи бўлган мақсадлари ва бу мақсадларга қандай эришмоқчи эканликлари ҳақида бир-бирларига ошкор айтишлари керак. Шояд, уларнинг мақсадлари бир-бирига мувофиқ келиб, барча муаммоларини ҳамжихатлик ила хал қилсалар. Эҳтимол келиннинг ўзига хос (ҳеч кимга айта олмаётган) бирон режаси бордир. Аёлига кўмаклашиши ҳамда унинг мақсадларига тўсқинлик қилмаслиги учун эр ўз хотинининг сирларидан ҳам воқиф бўлишида ҳеч қандай ҳараж йўқ. Зеро, аёл эрининг рухсатисиз бирон иш қилиши мумкин эмас.

Эрга итоат ҳақида

Оилада эр киши бошлиқ бўлиши керак. Аёл Аллоҳга осий бўлмайдиган ўринларда эрига итоат қилиб яшаши вожиб бўлади.

Аллоҳ таоло айтади:

«Эркаклар хотинлари устидан раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларни бировларини бировларидан (яъни, эркакларни аёлларидан)ортиқ қилгани ва эркаклар (хотинлари ва оилалари



Ислом Нури

учун)ўз мол-мулкларидан сарф-ҳаражат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва (эрлари)йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулклари ва ўз ифбатларини)сақловчи хотинлар - яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилинглр, сўнг (яъни, панд-насиҳатларингиз кор қилмаса), уларни ётоқларда тарк қилингиз (улар билан бир жойда ётманг, яқинлашманг), сўнгра (яъни, шунда ҳам бўйсунмасалар), (майиб қилмайдиган қилиб) уринглр! Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглр. Албатта Аллоҳ энг Юксак ва Буюк бўлган Зотдир». (Нисо: 34)

Ушбу оятда оиладаги эр билан хотиннинг ўрни белгилаб берилган. Шариат ҳукмича, эр аввало оиланинг барча молиявий ва маънавий эҳтиёжларига жавобгар бўлувчи ҳамда уни четдан бўладиган ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қилувчи шахсдир. Мана шулар эвазига ва эркак киши учун фазилат ҳисобланмиш оғир-босиқлик, оила тебратишдаги тадбиркорлик каби сифатлар сабабли ҳам у оиланинг бошлиғи саналади. Яхши хотин эса диёнатли, итоатли, эрининг уйини обод қиладиган ва унга бир умр садоқатли бўлган аёлдир. Агар хотин томонидан оиланинг ё эр-хотиннинг тинч-тотувлигига раҳна соладиган бирон феъл содир бўлса, эрнинг вазифаси аввало унга яхшилик билан тушунтириш, тушунмаса меҳру муҳаббатини дариғ тутиш билан ўз норозилигини билдиради. Бу ишлар фойда бермаган тақдирдагина хотинга (уни уриб роҳатланиш учун эмас, балки тўғри йўлга солиш мақсадида) қўл кўтаришга рухсат берилади. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш лозимки, бу борада келган ҳадисларда юзидан бошқа жойига қон чиқмайдиган ва асари кўринмайдиган даражада уриш керак деб айтилган. Чунки юз инсон аъзолари ичидаги энг муқаррами саналади. Лекин табиийки, эрга итоат қилишни ўзига



Ислом Нури

бурч деб биладиган итоатли аёл бу охирги чорагача етиб келмайди.

Rasululloh solallohu alayhi va salam dedilar: «***Birovni birovga sajda qilayapti, buyradigan bulsam, oyol kishining eriga sajda kilishga byurgan bo'lardim***».

Эрига итоат қилмайдиган аёлда ҳеч қандай яхшилик йўқ!

Хотима

Ҳар-бир йигит-қиз бир кун келиб турмуш қуради. Ҳамма ҳам хотиржам ҳаёт кечиритишни орзу қилади. Бахтли ҳаётдан баҳраманд бўлишни истаётган кишиларга маслаҳатим, юқорида санаб ўтилган кўрсатмаларни ўзлари учун дастурул-амал қилиб олсинлар. Вақти-вақти билан мурожаат қилиб, зиммаларидаги баъзи бурчларини унутиб қўйган пайтларида бир-бирларига эслатиб туришлари учун бу аҳд-паймонни оқ қоғозга тушириб, ҳар-бирлари ундан нусха кўчириб олсинлар. Келишув қоғозда қолиб кетмасин. Ҳали сиёҳлари қуримасдан туриб унга амал қилишга киришсинлар, бутун умр баҳоли-қудрат уни ҳаётга татбиқ қилишга интилинлар. Аҳд-паймон жуда оғир бўлгани боис, уни амалга ошириш кишидан биров сабр-матонат ва сабот талаб қилишини бир-бирларига эслатиб туришни ҳам унутмасинлар. Аллоҳ барчамизга тавфиқ берсин!

Пайғамбаримизга, аҳли оилаларига, асҳобларига ва Қиёматга қадар уларга чиройли суратда эргашганларга Аллоҳнинг салоту саломлари ёғилсин!

Сўзимиз охирида Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ таолога ҳамду санолар айтиб қоламиз.



Buxoriy rivoyat.

Musulmon yashashi.

Ahmad, Termiziy, Ibn Mojah rivoyatlari, Alboniy sagih degan.

Mutafaqun alayh.

Abu Dovud yashaydi.

«Munofiqun» -9.

«Fi Zilalil Qur'on», 1- tom.

Termiziy rivoyat.

Xumayro - Ahli Xijozlarning tilida yaltiroq o'q badanlilarga aytiladi, bu bilan oppogim deb erkalamoqdalar.

Buxoriy rivoyatisi.

Nasoyiy rivoyat.

Termiziy va Nasoiy rivoyatasi.